

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

**Баҳром Бек ПОЛОСОНИЙ:**

«БИЗНИ КЎПРОҚ ҚЎЛ БИЛАН УРИШАРДИ»  
(суҳбат).

**ОИЛА ВА ИСЛОМ**

«ОИЛАДА ЭРЛАР БОШЛИҚДУРЛАР».

**Сирожиддин САЙИД:**

УМР ЎТМОҚДАДИР, УМР ЎТМОҚДА.

**Рузимбой ҲАСАН:**

ХАЙР ҚИЛИНГ!..

## БАХТ НИМА! БАХТЛИМИСИЗ?

Дарвоқе, дунёда шундай тушунчалар ҳам бор-а! Социализм зулми остида кечган қулчилик замонларида «бахт», «саодат» сўзлари Шўро маддоҳлари тилидан тушмас эди. Ана шу «саодатли» кунларнинг ниҳоясида бугун турмуш ташвишларидан эзилган одамларимиз бахт тушунчасини деярли унутиб, эсламай қўйишди. Чор-атрофда ваҳима. Шундай бўлса-да, жамиятда ўзини бахтли деб билувчи фуқаролар ҳали ҳам бор экан. Бунга биз мамлакатимиз пойтахти — Тошкентнинг «Инқилоб хиёбони» (бу ерни танлашимиз ҳам бежиз эмас, албатта) деб аталмиш майдонида ўтказган сўровимиз асносида амин бўлдик.

**Рауф Расулов,**  
ТошДД журналистика  
қуллиғи толиби:


— Бахт — севгига  
етиш.

Бахтли бўлсам керак.  
Ўзим орзу қилган касб  
сирларини ўрганапман.



**Шокиржон Турсунов,**  
савдо ходими:

— Яхши яшашни  
бахт деб биламан.  
Ҳали ёшман, иш ма-  
саласи ва кўплар қато-  
ри қимматчилик қий-  
напти. Йўлимни топиб  
кетсам керак.



**Зарофат Пардаева,**  
Ангрен туғруқхонаси-  
нинг врач:

— Инсоннинг орзу-  
истакларига, мақсад-  
ларига етишиб яша-  
ши — бахт.

Мен нузли истиқ-  
бол сари қадам қўяёт-  
ган ўзбек элининг фар-  
занди эканимдан ғу-  
рурланаман.



**Афлотун Фознев,**  
меҳнат фахрийси:

— Ун бир фарзанд-  
нинг отасиман. Милла-  
тим турк. 1989 йилдаги  
машъум воқеалар са-  
баб фарзандларим ҳар  
тарафга тарқаб кетиш-  
ди. Ҳаммамиз бирга  
бўлсак эди, ўзимни  
бахтли санардим.



**Шукур Қурбон,**  
шоир, М. Кенжабек би-  
лан кучоқлашиб кў-  
ришгач:

— Мутлақ бахт йўқ.  
Эҳтимол унинг зарра-  
ларигина мавжуддир.  
«Мен мутлақ бахтли-  
ман» дейиш учун одам  
ақлдан озган бўлиши  
керак. Ҳали ақлдан оз-  
ганимча йўқ.

Абдулла Ориповнинг  
қуйидаги сатрларини  
яхши кўраман:

Уйда тинчи бўлсин,  
йигитнинг аввал,  
Сўнгра бутун бўлсин  
дўстнинг имони.

Шу икки нарса мен-  
да борлиги учун ҳам  
ўзимни бахтли ҳисоб-  
лайман.



**Мирзо Кенжабек,**  
шоир:

— Озодлик ва эр-  
кинликни бахт санай-  
ман.

Агар бахт шахсий  
ҳаётдангина иборат  
бўлса, бахтлиман дейи-  
шим мумкин бўларди.  
Афсуски, ундай эмас...

Суратчи: Абдуғани  
АБДУРАҲМОН ўғли



## ҚЎРҚИНЧЛИ ТУШ

Юртимизга қўбизчи Шевченко юртидан катта шов-шув билан кириб келган купон жаноблари ўзбек бозорини хорижий хуружлардан оз бўлса-да ҳимоя қилиши шубҳасиз. Айни замонда у ёлғиз эмаскан — муаммолари-да кўриниб қолди. Купон кўрғурни ёнда олиб юриш (қоғози жуда юпка, бесўнақай), қирқиш ноқулай. Шусиз ҳам турли хил навбатларда силласи қуриган халққа қийин бўлди. Харидорга хизмат кўрсатиш мuddати 7-8 барабар ошиб кетди. Лекин, мухтарам дўстлар, сабр қилайлик. Озодлик, мустақиллик оsonликча келмайди. Худо хоҳласа, бу кунлар ёмон тушдек ўтиб кетгуси.

## ЖАҲОНГИР МАМАТОВ — TELEBOSS

Мухбиримизнинг ўтган ноябрда қилган тахминлари тўғри чиқди — Ўзбекистон телерадиоси жиддий ўзгаришлар даврига қадам қўймоқда. Телерадио Давлат қўмитаси компанияга айлантирилди. Машхур журналист, депутат Ж. Маматов компания раисининг ТВ бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Уттиз йилдан бери салафлари қилолмаган иш — ойнан жаҳонни ошкоралик минбарига айлантириш унинг қўлидан келадими-йўқми, омонлик бўлса кўраимиз.

## ПУЛИНГИЗНИ ВА ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ

Яқиндагина номини «Туркистон» деб ўзгартирган сеvimли газета — «Ёш ленинчининг жорий йилдаги обуна баҳоси салкам 84 сўмга етди. «Оила ва жамият»ники эса ҳозирча эски нархда турибди — бир йилга 10 сўм 56 тийин. Эслатиб ўтаимиз, қўлингиздаги газетамиз ҳозир сотувда 50 тийин. Обунада эса 20 тийин. У яқинда дўконларга яна-да қимматроқ нархда чиқа бошлайди. «Оила ва жамият»га шу кеча-кундузда келгуси — 1993 йил учун ҳам обуна бўлиб қўйсангиз, намида 100 сўмингизни тежаб қоласиз.

Ҳозир «Известия»нинг бир йиллик обуна баҳоси салкам 300 сўм.

## ЯНА БИР ПРЕЗИДЕНТ

Московда собиқ СССР Болалар фондининг сўнгги пленуми бўлиб ўтди. Унда кўпчилик жумҳуриятлар Болалар жамғармалари бошқаруварининг раислари қатнашдилар. СССР Болалар жамғармаси тугатилиб, унинг вoриси — Болалар жамғармалари халқаро ассоциацияси ташкил этилди. Ўзбекистон Болалар жамғармаси унга аъзо бўлиб кирди. Ёзувчи Альберт Лиханов ассоциациянинг президенти этиб сайланди.

## ҚОРАҚАЛПОҚ «УМИТ»И

Кунни кеча ўзини Республика деб эълон қилган Қорақалпоғистонда «Оила ва жамият»нинг сафдоши туғилди. Республика Болалар жамғармаси ҳаммуассиси бўлган ҳафталик газета «Умит» — «Надежда» деб номланди. «Эл ободонлиги учун» шиори билан чиққан бу янги нашр иқтисодий бўҳронлардан эсон-омон ўтиб олиб, жумҳурият аҳлининг сеvimли газетасига айланишини тилаймиз. «Умит» — «Надежда» икки тиллик ҳафталик бўлиб, обуна баҳоси бир йилга 26 сўм 40 тийин. Индекси — 64925.

(Давоми 3-бетда).

Қандай яшайсиз?

## «Чигатой» қабристонининг гўркови ТУРГУН ҲИКМАТУЛЛА ўғли билан сўҳбат

— Раҳматли отамиз Ҳикматилла Раҳматилла ўғиллари доим бир ривоятни такрорлар эдилар: Бир донишманддан: «Ким бу дунёда гишти, кемасозу, дуродгордан ҳам пишикроқ иморат куради?» деб сўраганларида, «гўркови, унинг қурган иморатлари қимматгача туради», деб жавоб берган экан. У кишининг оталари ҳам гўркови бўлган. Мана, 30 йилдан бери биз ҳам ота-боболаримиз тутган касбни баҳоли қудрат уддалаб келяпмиз.

— Ишда нималарга амал қиласиз!

— Албатта, барча касбларда бўлгани каби, гўрковликнинг ҳам ўзига яраша расм-русумлари бор. Маълумки, қабрга қўйиладиган майит ювиб-тараб олиб келинади. Шунинг учун биз ҳам доим таҳоратли бўламиз. «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» деб, калима ўғриб, дуосини келтиргандан сўнггина ишга киришамиз.

— «Қўл ҳам қаваргунча сезгир бўлади», дейишади. Кундалик одат бу ишни жўнлаштириб қўймайдими!

— Энди, нима десам экан, авваллари сел сесканиб, юрагимизга жиндай ваҳима тушиб турарди. Ҳозир ўрганиб кетганмиз...

— Ҳар кунни нечта майит олиб келинади!

— Илгари ҳафтада бир келарди. Ҳозир эса кунига уч-тўрт марта бўлади. Бугун учта келди...

— Қазосидан бурун қабрга

буюртма берадиганлар ҳам учрайдими!

— Ҳозир йўқ. Авваллари баъзи одамлар шундай қилишарди. Эсимда, ўн йиллар чамаси муқаддам бир киши қабристонимизга қадам ранжиде қилиб, ўзи учун сағана буюртирдилар. Қазолари етган эканми, эртасига пешин чоғи ўша кишини қабристонга олиб ке-

зини давлатга ҳам тўлайсизларми!

— Тўлов қабрининг катта-кичиклигига боғлиқ.

— «Чигатой» Тошкентдаги энг обод қабристонлардан бири. Бунда машхур кишилар, юртининг улўғ фарзандлари хоки бор. Таниқли инсонлардан кимларнинг дафнига қабр ҳозирлашда иштирок этгансиз!

Усмон Юсупов, Шароф Рашидов каби арбобларнинг дафн этилишида қатнашганман. Шундай улўғ инсонларнинг охири кунига яраганимдан хафа эмасман.

— Сир бўлмаса айтинг-чи, Шароф Рашидовнинг жасади қандай ҳолатда келтирилган!

— Қадимгилар, марҳумлар кори савоб истайдилар, деб айтишган. Улар тўғрисида ҳар хил икир-чикирларни ёзавериш яхши эмас... Бўлгани шуки, кечаси соат учларда келишиб, қабр қовлатишди. Шошапиша кўмиб кетишди. Биласиз, раҳматли Шароф акани аввал шаҳар ўртасидаги майдонга дафн этишганди.

— «Қабристондан чўп еган жониворнинг гўшти ҳаром» дейишади. Сизлар ҳам шунга амал қиласизларми!

— Бу тўғрисида эшитганмиз. Лекин шу ерда пишган мевалардан ўзимиз еймиз, бола-чақа, ўтган-кетган одамлар ҳам бенасиб қолмайдилар. Ҳозирча бирор ёмонлик кўрганмиз йўқ.

— Шогирдларингиз ҳам борми!

— Албатта. Бизнинг ишимизга раббат билдирган укаларимизни ўз касбимизнинг сир-асрорларидан баҳоли-қудрат бохабар қилиб келаяпмиз. Қобилжон, Суннатулла каби шогирдларим бор. Қолаверса, ўзимнинг ўртанча ўғлим ҳам ҳозир тупроқ олишиб турибди...

Паҳлавон СОДИҚ



КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

# ҚИЁМАТГАЧА турадиган иморат

лиши. Олдиндан гўр қурдиришнинг хосияти йўқ.

— Битта қабр учун қанча пул беришади!

— Биз фалон сўм бер, деб айтмаймиз. Уларни кўнгилларидан чиққанини ташлаб кетишади. Ҳимматига қараб

— «Ҳиммат»нинг маълум фои-

— Одамзод каттами-кичикми, шоҳми-гадоми — охир борар манзили бир. Бизнинг ишимизда «Мен фалончига гўр қазиганман» деб айтиш бироз ноқулайроқ. Энди сиз айтган «машхур кишилар»га келсак, Фағур Фулом, Ойбек, Лутфихоним, Тамарахоним сингари ёзувчи ва санъаткорлар,

# ЗАРДОБ

Қайси бир хатни ўқиманг, бир нола, бир фиғон юрагингни ўртайдди. Замон шундай кетаверса, одамлар ҳамма нарсага бефарқ, беларво бўлиб қолишлари, лоқайдлик ботқоқларига ботишлари тайин. Бизни бундай чуқур бўҳрондан мол-мулк, бойлик, бақирик-чақиригу жангу жадаллар эмас, бот-бот тилга олинаётган меҳр-оқибат, яхшилик қутқариши мумкин.

Мансур Асқархўжаевнинг дардчил хатини ўқиб, ўйланиб қолдим: «Жуда қийналиб кетдим. Уч қизим билан ёлғиз қолдим. Онаси 1991 йил 28 ноябрдан буён руҳий касалликлар шифохонасида. Зурга кун кечириб турибмиз.

Маслаҳат беринглар: бошимни қайси деворга урай!»

Мансур ака пойтахтнинг «Марказ 17»-сида (номни қаранг), беш қаватли бетон уйда яшар экан. Даҳлизда эшикларга эътибор бердим: ўртадаги ва ўнг томондаги эшикларга жигарранг чарм қопланган, салобати бошқачароқ. Чапдаги эшикнинг эса у ер-бу ери дарз кетган, оёқ излари бор. Рақами 13.

Бола кўтарган, қотма йигит эшикни очди. Боласини тўсаётган экан, уни чап томондаги хонага олиб ўтди.

— Болали уй-да, қўяверинг,— дедик уни хижолатга қўймаслик учун.

Ортиқча тафсилотга ҳожат йўқ: анчадан буён бу хонадонга аёл кўли тегмаганлиги аниқ-тинч билиниб турибди.

Лекин Мансур ака «ҳар қандай қийинчиликларни енгаман», дейдиган, ирода-си бақувват йигитлар тоифасидан шекилли, кўзлари дадил боқади, киприкларига кўнган гамини тезда кувиб солади.

— Аммо барибир одам темир эмас,— ҳасратини яширолмайдди,— жуда хунобим ошгач, сизларга ёздим.

Биз ўтирган хонанинг ярмини диван-каравот эгаллаган, унда 11 ойлик чақалоқ — кенжа қизи Раъно ётибди. Уч яшар Насибаси кўлида. Дорларда уларнинг кўйлаклари, иштончалари: ювилган, ювилмаган... Кун бўйи уйда ўтириш —



унча-мунча эракнинг кўлидан келмайдиган иш. Шунчаки ўтириш, дам олиш бўлгандайам бошқа гап эди, болаларнинг хархашасию овқатига, иссиқ-совуғига қарашнинг ўзи бўладими? Юрак зардобга тўлиб кетади-ку!

— Каттаси қаерда!— сўраймиз беихтиёр.

— Қайнонам келувдилар, раҳмлари келди шекилли, олиб кетдилар. Кўлимдаги иккисининг ҳам мазаси йўқ. Ҳозир поликлиникадан қайтдим.

Баъзилар болаларни махсус интернатга ёки доимий боғчага топширсангиз бўлмайди, дейишяпти. Бундай қилмайман. Насибага алоҳида қаров керак.

— Ишхонангиздан келиб туришибди-ми?

— Йўқ. Лекин ёрдам сўраб борсам, қош қайиришмаяпти. Ойлигимниям бериб туришибди. Опам келиб турадилар. Раҳмат уларга. Бугун келиб озроқ пул ташлаб кетди. Онам 80 ёшдалар. Уларини эпласалар ҳам катта гап.

— Ойлангизнинг бундай касалга чалинганини нимадан деб ўйлайсиз?

— Кўриб турибсиз, шу бир хонали уйда олти киши яшаймиз. Собир Раҳимов ижроқўмига қатнай бошлаганимизга анча бўлди. Уй кетидан оиламнинг ўзи югурди. Кўп куйинарди. Узингга эҳтиёт бўл десам, «Уйни олайлик, кейин дам оларман-да», дерди. Қон босими баланд эди, шундан хавотирда эдим. Кимдир қаттикроқ гапирган экан. Бир кун ижроқўмдан хафа бўлиб келди. Уша кечаси мени уйғотиб: «Болаларимизни ўлдириб кетишади, дўхтирга чиқиб келинг», деди.

Ҳайрон бўлдим. Эрталаб ҳам шу гапни такрорлади.

Бир йигитнинг оғзи ошга етганда, бошига тушган мусибати ана шундай. Бу ёғи нарх-наво, дегандек... Эртага нима бўлади?


Келинг, яхшилар, Мансур акага ҳамдард бўлайлик, уни бу бўҳрондан олиб чиқиш учун кўлимиздан келган ёрдамни аямайлик!

Ишонамиз, Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикаси маъмурияти, ишчи-хизматчилари ҳам уни ёлғиз ташлаб қўйишмайди. Эрта-индин баҳоли қудрат ёрдам беришларига кўзимиз етади. Собир Раҳимов ижроқўмидаги мутасаддилар ҳам унинг арз-додига панжа орасидан қарамасликлари аниқ: олти кишининг бир уйда, бир хонада истиқомат қилиши ҳеч бир санитария-гигиена қоида-сига тўғри келмайди. Ўз Ватанида, ўз тупроғида яшаб сифинди бўлиб ўтириш ачинарли ҳол, албатта!

Мансур аканинг қизчаси Насиба беғубор, маъсум куларкан, жажжи қўлчаларини силкиб, ширингина хайрлашди. Ота-онаси бошига тушган ташвишларни ҳали у сезганича йўқ. Сезмаганиям маъқул. Аммо биз мўмин-мусулмонлар бу ёш оиланинг бошига тушган қулфатни чуқур ҳис этмоғимиз, унга ёрдам қўлимизни чўзмоғимиз лозим.

Савобталаб кишилар учун Мансур Акбархўжаевнинг манзили: 700019, Тошкент — 19, Марказ 17-18, 44 уй, 13 хонадон.

Тўлқин ҲАЙИТ



ХАЁЛ

Суратчи: А. АБДУРАҲМОН ўғли


## МИННАТДОРЧИЛИК

Қўқон шаҳар умумий овқатланиш аҳли қаҳатчилик кунларида ўта муҳтожлар, бева-бечорою қаровчисиз қолганлар учун текин хизмат кўрсатувчи тўртта ошхона очган. Ҳозиргача 100 минг сўмлик хизмат кўрсатилади. Бу ишларда Ўзбекистон халқ ноиб Баҳодиржон Тўйчибоев бош-қош бўлмоқда, деб хабар беради Д. Еқубов.

## ХУСУСИЙ МАКТАБ

Ўзбекистонда хусусий мактаб очиш керакми-йўқми деган тортишув авжига чиққан паллада қўшни мамлакат — қозоқ элида амалий ишга киришилди. Қараганда вилоятда хусусий мактаб очилди. Унда ҳозирча ўн беш бола таҳсил олмоқда. Мактаб таълимоти «Искра—7» хусусий корхонаси ўз зиммасига олган.

1992 ЙИЛ 3/21/ «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»



Ётган Насриддин Шер Аҳмадбой ўғли, юқоридагилар: Маъсуда Шер Аҳмадбой қизи ва Леля — Орифхўжабой ўғлининг хотини

Саида (Уктой) 1905 йилда Тошкентда, маърифатпарвар хонадонлардан бири Шераҳмадбой оиласида дунёга келади. Инқилобгача Акмал Икромовнинг отаси машҳур Икром домланинг эски мактабида ўқиб, инқилобдан сўнг Валихожибойнинг ҳовлисига очилган биринчи ўзбек қизлар билим юртида Ойдин Собирова, Хосият Тиллахонова, Робия Носирова, кейинчалик Ўзбекистоннинг таниқли шоира ва мураббиялари бўлиб етишган бир қанча ўзбек қизлари билан бирга ўқийди. Уларга шу даврда Мунаввар қори Абдурашидов, Шокиржон Раҳимовлар билан бирга Петербургдаги Смольний хотин-қизлар маориф институтини битирган, полковник Еникеевнинг хотини Саодатхоним Еникеева, Қримдан келган Муршида хоним Исмоилова, қозонлик Гавхархоним Алиева каби машҳур мураббийлар дарс беришди. Эски ва дунёвий илмларни пухта эгаллаётган Саида 1922 йил билим юртини тугатмасдан, бир гуруҳ ёшлар билан Германияга ўқишга кетади. Инқилобгача Германия, Франция, Арабистон каби хорижий мамлакатларда саёҳатда бўлиб, илгор Оврупо илфан, маърифатидан анча хабардор бўлган бобоси Шераҳмадбой муҳим роль ўйнайди. Шераҳмадбой 20-йилларнинг бошларидаги ўлкамизда кечган оғир очарчилик йилларида ҳам етим-есирларга меҳрибонлик қилган анча саховатли бойлардан эди. Шунинг учун у бу даврда набиралари Насриддин ва Фузайлларни ҳам шу йўлга тариб қилган эди. Насриддинни тиббиёт бўйича, Фузайлни ирригация ва сув ҳужалиги мутахассислиги, Саидани муаллимлик соҳаси бўйича ўқишга юборади. Жумладан, Фузайл Шераҳмадов Германияда ўқишни битириб келиб, 30-йил ўрталарида Катта Фарғона канал лойиҳасини тузувчи раҳбарлардан бўлиб ишлаган бир пайтда (1937 йилда) немис фашистлари жосусли сифатида қамоққа олинди ва ўша ерда йўқ қилиб юборилди. Унинг укаси Насриддиннинг тақдири ҳам шундай фожевали бўлди.

Акаларининг Ўзбекистонга қайтганларидан кейинги бу фожеваларини эшитганми ёки бошқа сабабларданми,

улар билан бирга Германияга ўқишга кетган Саида Ватанига қайтишга юрак ютолмайди. Германия ҳукумати тепасига келган фашистлар режимидан беэиб, Туркиядан бошлана топади ва Истамбулда тургун бўлиб қолади. 20-йилларнинг бошида ўзи билан бирга Германияга кетиб, тиббиёт бўйича таълим олган тошкентлик Абдуваҳоб Исҳоқ номли ўзбек ҳамшаҳар йигитга турмушга чиқади ва умрининг охиригача Туркияда тургун бўлиб қолади. Саида Истамбулда қизлар лицейида муаллима, эри Абдуваҳоб эса тиббиёт профессори сифатида ишлаб, 1972 йил Истамбулда оламдан ўтади. Ҳозирда Тошкентда ҳаёт бўлган Шераҳмадбойнинг набиралари Шарипа опа Абдуваҳим қизлари (1910) ва Чингиз Акбаров (1930)ларнинг айтишларига қараганда, Саида Шераҳмад қизининг Истамбулда яшаётганлиги ҳақидаги биринчи хабарни уларга 1969—70 йилларда узоқ йиллар турли сабаблар билан хорижда бўлиб, кейинчалик Тошкентга қайтган Саидмаъруф Каримий етказган ва шундан кейингина қарийб 50 йиллик жудоликдан сўнг, Саида опа билан хат олиша бошлаганлар. Саидмахон Маъсуда опасига ва жияни Чингизга ёзган хатлариде Тошкендаги бутун қариндош-уруғлари, Насриддин ва Фузайл акалари, уларнинг болалари соғлигини сўраб турган. (Назаримизда Саида опа ҳар иккала акаларининг репрессия қурбони бўлганликларини эшитмаган ёки эшитса ҳам ишонмаганга ўхшайди). Ватанини, эл-юртини, жонажон Тошкентини ниҳоятда соғиниб, фурсат топди дегунча, шу томонларга учинча қанот боғлаб турганлигини ёзган. Хатларининг мазмунидан уларнинг сўнгги нафасгача ҳам ватанларидан, туғишган авлод-аждоқларидан кунгил узолмай, ниҳоятда соғинч, кўмсаш ва армон билан яшаганликлари сезилади. Жумладан, Саида опанинг 1970 йил 9 майда опаси Маъсудага ёзган бир хатда ватандан жудоликнинг руҳий фожевалари ва соғинч аламлари ёрқин ифодалангандир.

Жоним опам Маъсуда! Қўрқа-қўрқа кутган хатимни шу онда ўқидим. Худога кўп шукри, яхши бўлиб кетибсиз. Худо узун умр

берсин ва ҳеч бўлмаса, бир-биримизни бир кўриб, дийдоримизга тўйлик. Кўпдан бери хат келмаганлиги учун сиз бетоб бўлиб қолдингизми, деб ўйлагандим. Худо-нинг бизга раҳми келди, шекилли, сиз яна соғайиб кетибсиз. Бунга жуда суюндим. Куёвингиз ҳам бунинг учун кўп қайғуланиб, ташвишланиб гурган эдилар. У киши ҳам жуда суюниб кетдилар. Худо узун умр берсин, деб дуо қилмоқдалар. Энди ҳамма бола-чақаларингизни уйлантириб хотирам бўлганингизни эшитиб кўп суюндим. Имкони бўлса, дарҳол самолётга ўтириб, олдингизга борардим ва сизга сўнгги кунларингизда қараб ўтирардим. Куёвингиз Уктойбекнинг (Абдуваҳоб Исҳоқ) ҳеч ёлғиз қолгиси келмайди. Бирга боришимизга имкон йўқ. Зотан мен учун қадри ватанимда сиздан бошқа яқин одамим йўқ, жиянларимни расм орқали ҳам танимадим, шунинг учун бир борсам ҳаммангизни кўрган бўлардим.

ойида Туркияда бўлганида «Туркистон» жамятининг Президенти, доктор Аҳад Андижоний ва Германиянинг Мюнхен шаҳрида жойлашган «Озодлик» радиоэшитириши ўзбек редакцияси ходими Темирхўжалар билан бирга Саида опанинг зиёратида бўлганлар. Суҳбат чоғида Саида опа ўз таржимаи ҳолидан сўз очиб шундай деган: «Мен асли тошкентлик бўлиб, 2-Қорёғди маҳалласида туғилганман. Бобомнинг исми Шераҳмадбой, отамнинг исми Ҳожиаҳмад, онам Ҳамидаой Мадғозибой қизидир. Ҳовлимиз Анҳор бўйига яқин бўлиб, отам савдо иши билан шуғулланиб, фойтунда юрар, кеч келар эди. Анҳор суви шу қадар гўзал бўлиб, вижир-вижир оқар, онам маҳалла болаларини ўқитар, байрам қўшиқларини айтардик. «Қурбон келди» ашуласини айтганлари ҳамон эсимда. Оққўрғонда богимиз бўлар эди. Урда кўпригининг ёнида Кауфманнинг ҳайкали, Абдулла Тўқай номидаги мактабини ҳам эслаيمان. Отамнинг ички Россия (Москва, Пе-



Суратда: Саида Шер Аҳмадбой қизи эри профессор УКТОЙ билан бирга

Кейинги пайтларда мен ҳам ётиб қолдим, бошим қаттиқ оғрийди. Ҳозир соғайиб кетдим. Ишга бориб турибман. У ёққа бориш учун қанот ёзиб турибман. Кошқийди, ўша ерда бўлсам. Уртада турган у киши билан сизга хат юборган эдим. Унинг адресини топа олмаган эдим, агар топсам, унга ҳам алоҳида хат ёзаман.

Ҳаммангизни чин қалбидан табриклаб, сиҳат-саломатлигингизни улуг тангридан сўраб синглингиз Саида Уктой. (Саида опа ҳам кейинчалик Уктой фамилиясига ўтган).

Опажон сизни кучоқлаб тезроқ соғ-саломат бўлиб кетишингизни чин юракдан дуо этаман.

Бу хатнинг ичига икковимизнинг рангли суратимизни қўшиб юборялман.

9.V.1970.

Истамбул—80/2.

Кейинги вақтларда қайта қуриш шарофати туфайли мамлакатимиз халқларининг хорижий мамлакатлар, жумладан, Туркия билан ҳам ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалари бирмунча соғломлашиш муносабати билан кўплаб ватандошлар каби Саида Шераҳмад қизи яшаётган Истамбул шаҳрига ҳам ташрифлар бўлиб, у кишилар билан ҳам бевосита учрашиб, гаплашиб имкониятлари тугиша бошлади ва бу ҳақидаги аввалги айрим эсдалик, биографик маълумот ва хат-хабарларга янги жонли факт ва маълумотлар, хотиралар қўшила бошлади. Жумладан, таниқли шоир ва таржимон Жамол Камолнинг айтишига қараганда, у 1990 йил июн

тербург) ва Оврупода (Германия) савдо соҳасида дўстлари бор эди. Мен 1922 йилда Москвадаги лицейда ўқиган таниш дугонам татар қизи Зуҳро Кашаева билан бирга 15—16 ёшлар чамасида бухоролик талабалар билан бирга Олмонияга ўқишга келганман.

Олмонияда 4 йил ўқидим. 15 йил Олмонияда яшаб, 1937 йил Туркияга келдим. 1939 йилда Олмонияда бирга ўқиб Туркияга келган тошкентлик доктор Уктойбекка турмушга чиқдим. Унинг асл исми Абдуваҳоб Исҳоқ бўлиб, Уктойбек унинг тахаллусидир. Уктойбек Истамбулда докторлик диссертациясини ёқлади. У доим Туркистоний ўйлар, ватанини, унинг тарихини севад, у ердан келган ўзбек матбуоти ва адабиёти билан бирга русча «Доктор Живаго» каби асарларни эрим тунгача ўқиб ўтирар эди. У 1972 йил Истамбулда вафот этди. Уктойбек тиббиёт бўйича кўп асарлар яратган. Охириги вақтда Туркистон ҳақида асар ёзаётган эди. Мен немисча, туркчадан ташқари инглиз ва француз тиллари (тиллари)ни ўқиганман. Бу ердаги Туркий ватандошлар учун бўлган лицей ва коллежларда узоқ вақт дарс бердим. Шулар ичида ўқиган эрон туркманлардан бир қизни тарбиялаб олдим ва олий маълумотли тиббиёт мутахассиси этиб узатдим. Ҳозир ундан набираларим бор.

Шерали ТУРДИЕВ

## ХОВЛИМИЗ АНҲОР БЎЙИДА ЭДИ

## МУСИҚА ДАВОЛАЙДИ

Муסיқанинг киши руҳиятига кўрсатадиган улкан таъсири қадимдан маълум. Улуғ аллома ал-Хоразмий қуйидагиларни ёзади: «Ватанимда касалликни даволаш учун сўз, доридармон, тиг ҳамда муסיқани ишлатадилар. Мен сўнгисини афзал кўраман».

Биз, турли-туман зарур-нозарур дориларга кўниккан одамлар учун муסיқанинг шифобахш қувватга эга эканлигига ишониш қийин, албатта. Аммо ривожланган мамлакатларда бу усул аллақонанг удумга кирган. Масалан, Японияда ҳомилалар аёлларга туғишдан олдин ва туғиш пайти муסיқани тавсия этадилар. Еқимли куй-қўшиқ таъсирида бу жараённинг анча осон кечиши аниқланган.

Мюнхен дорилфунуни шифохонасининг ходимлари ошқозон яраси билан оғриган беморларга Бетховен, Моцарт асарларидан эшиттирганлар. Натижаси аъло: беморларнинг хасталиқдан фориғ бўлишлари бир мунча тезлашган.

Муסיқани қандай қабул қилиш кишининг таъби, руҳияти, соғлигига боғлиқ. Ким билади дейсиз, балки келажақда беморлар шифокордан дори-дармонлар билан бир қаторда қандай муסיқа тинглаш борасида ҳам маслаҳат оларлар. Унгача бу ҳақда ўзингиз қайғуринг. Агар тушкун кайфиятда бўлсангиз, дарров енгил муסיқа қўйишга шошилманг. Аввал ҳолатингизга мос, ўйга толдирувчи муסיқа тинланг, ундан сўнг гал шўх-қувноқ тароналарга, аста-секин сиз беихтиёр муסיқа шиддатига қўшилиб кетасиз, дарду ғамларингиз арийди. Асабийлашганда, жунбушга келганда эса аксинча қилганингиз маъқул.

Абдулла Ориповнинг «Калифорнияда чойхўрлик» шеърида ғайриоддий бир умумлашма бор. Шoir чойхўрлик баҳона, жанжаллашиб юрган «жўра»ларни муросага чақиради. Лекин муҳими — бу эмас. Муҳими қиссада зоҳир бўлган ишорат — халқнинг чой қайтариш одатига нисбатан хайрихоҳлик туйғусидир. Дарвоқе, минг бир хил хислатга эга бўлган бу шарқона неъматнинг истеъмол қилиниши ҳам минг бир хил одат, расм билан боғланган.

Кимда қандай таасирот уйғотади, билмадим, аммо юқоридаги ҳолат менга эзоқ ўтмиши, зардуштийлик даврини эслатади. Бироқ олов ҳам, чой ҳам, ҳатто унинг хушбўйлиги ҳам бу ерда бир восита, холос. Мақсад эса — ибодат. Машҳур буддизм ваъзхони Та-мо тўғрисида бир ривоят бор: эмиши, Та-мо ўзининг руҳонийлик бурчини адо этмоқ ниётида Хитойга келибди. У кеча-ю кундуз тоат-ибодат ва умуман, мушоҳада билан шугулланибди. Бир куни

## ЧОЙ ВА ИБОДАТ

Шу пайтгача чойнинг ёзда иссиқнинг дамини кесиши, қишда эса инсон танасига ҳарорат бахш этиши, чарқоқни ёзиши, кўп дардга даво эканлиги тўғрисида эшитган эдим. Аммо унинг ибодат чоғидаги мунис ҳолга нечоғли яқин бир кайфият бахш этиши хусусида сираям ўйлаб кўрмаган эканман. Иттифоққа, қўлимга ўрис олими В. Хохлачевнинг чой биологиясига бағишланган мўъжазгина рисоласи тушиб қолди. Рисолани варақлар эканман, ўзим ўйлаб юрган чой ва ибодат мавзусига оид айрим фактларни топганимдан, отахоннинг гаплари бежиз эмас экан, деган хулосага келдим.

«Сахрои Кабир» маданиятлари китобининг муаллифи, Африкани текширувчи итальян олими Аттилио Гаудио шундай ёзади: «Сахро узра совуқ тун қора пардасини ёзганда Туарег олов ёнига чўқкалаб олиб, хушбўй чой ичади. Одам қўли тегмаган, поёнсиз табиат олдида у яқка-ёғиз қолиб, соатлаб қимир этмай ўтира-

узоқ уйқусизликдан толиқиб, ухлаб қолибди. Уйғониб, кўзини очганидан кейин аҳдани бузиб қўйганлиги учун ўзини койибди-да, жаҳл билан хиёнаткор кўз-қовоқларини ўйиб олиб, ерга улоқтирибди. Шунда мўъжиза рўй берибди — ўша жойдан ғалати бир бута ўсиб чиқибди. Та-мо унинг барглари билан дамлаб, ичиб кўрибди ва бу баргларнинг ҳосиятига имон келтирибди. Дунёдан кўз юмаётган пайтда бу аллома руҳоний ўз шоғирдларига тез-тез шу ичимликдан нўш айлаб турини васият қилиб, унинг одамни тоат-ибодатга чорлашини алоҳида уқитган экан.

Юсуфжон қизиқнинг «Кулинг, умрингиз узоқ бўлади», деган гапи халқимиз орасида ҳикматга айланган кетган. Биз эса сизга «чой ичинг, илло бу илоҳий неъмат сизнинг руҳингизни тетик қилиб, тоат-ибодатга шайласа, ажаб эмас», — деган бўлур эдик.

Паҳлавон СОДИҚ

Эълонлар

## ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР

Малакали расмом сизга ўз хизматини тақлиф этади. Портрет, манзарали расмларни исталган ҳажмда ва усулда чиза оламан. Хонадонларни безашим мумкин. Қарши шаҳридаги қуйидаги телефонга соат 9 дан 17 гача мурожат этилсин: 4-41-30. Рассом.

## ЧАЙҚОВЧИЛАР!

Уялинг. Бозорингиз савдо дўконлари каби ғариб бўлиб бормоқда. Чайқовда на патинка мойи бор, на магнитофон батареяси. Баҳром.

## ДАЛҲДА ТУҒИЛГАНЛАР

Ҳурматли тахририят аҳли! Айтсам ишонмайсиз: январда бир йўла тўрт қариндошим — онам Маҳсума, онам Дилфуза, синглим Нигора ва унинг ўғли Бобиржон таваллуд топган. Илтимос, уларга энг яхши тилакларимни етказинг: Бахтимга омон бўлишини! Диллари ғам, кўзлари ёш кўрмасин!.. Диллола Юнусова. Тошкент шаҳри. Бодомзор маҳалласи.



ЧАВАНДОЗ

Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ

1. Она қорнида бола қандай пайдо бўлади?
  2. Дунёга келадиган чақалоқнинг ўғил ёки қиз эканлигини қандай билиш мумкин?
  3. Ҳомилалар бўлишининг ёки бўлмаслигининг сири нимада?
- Бундай саволлар ҳар қандай ёш оилани қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Уларга Тибет тиббиётининг донгдор меҳнати маҳсули — «Чжуд Ши» китобидан жавоб топишингиз мумкин.
- Ҳомилалар бўлган аёл дастлабки ойда дармонсизликни, бел, бўйин, кўзнинг қобиғида «учиш» бошланганлигини пайқайди. Албатта, бундай ўзгаришни сирдан пайқаш қийин. Баян аёлларнинг ўзлари ҳам бундай ўзгаришни сезмаслиги мумкин. Ҳомилаларликнинг дастлабки ойларида эркакка хушторлик кучли бўлади. Ҳайиз

дан — тешиқлар, қулоқ, товуш пайдо бўлади.

Ҳомила билинган пайтда аёл эри билан жинсий алоқа қилмаслиги керак. Шунингдек кечаси сергак ухлагани яхши, кундузги уйқу ҳам фойдали. Ҳомилалар аёл иччи қотирмаслиги, оч қолиб чанқамаслиги, совуқ сувга чўмилмаслиги керак, қон чиқармаслики каби шартларга саккиз ой амал қилишга тўғри келади. Бундай амалга риоя қилинмаса, бачадонга зиён етади. Бу пайтда уруғ жонланмасдан нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Тўртинчи ҳафтада уруғ формаси тузила бошлайди. Шу пайтдан бошлаб унинг ўғил ёки қиз эканлиги, ҳатто бошқа нуқсонлари бор-йўқлиги ҳам билинади.

Ҳомилаларликнинг дастлабки ойларида аёлнинг ухлагиси келади, иштаҳаси бўлмайдди, тез-тез эснайдди, тана-

дан — тешиқлар, қулоқ, товуш пайдо бўлади.

Ҳомила билинган пайтда аёл эри билан жинсий алоқа қилмаслиги керак. Шунингдек кечаси сергак ухлагани яхши, кундузги уйқу ҳам фойдали. Ҳомилалар аёл иччи қотирмаслиги, оч қолиб чанқамаслиги, совуқ сувга чўмилмаслиги керак, қон чиқармаслики каби шартларга саккиз ой амал қилишга тўғри келади. Бундай амалга риоя қилинмаса, бачадонга зиён етади. Бу пайтда уруғ жонланмасдан нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Тўртинчи ҳафтада уруғ формаси тузила бошлайди. Шу пайтдан бошлаб унинг ўғил ёки қиз эканлиги, ҳатто бошқа нуқсонлари бор-йўқлиги ҳам билинади.

Ҳомилаларликнинг дастлабки ойларида аёлнинг ухлагиси келади, иштаҳаси бўлмайдди, тез-тез эснайдди, тана-

олти аъзоси, ўн тўртинчи ҳафтада елканнинг олди, тизза, ўн бешинчи ҳафтада қўл билан оёқ ривожланади. Ҳатто олтинчи ҳафтада йигирма бармоқ тўлиқ кўринади. Ҳатто олтинчи ҳафтада ички ва ташқи қон томирлари ўзаро боғланади.

Бешинчи ой, ўн саккизинчи ҳафтада — тери билан ёғи пайдо бўлади. Ҳатто олтинчи ҳафтада ички аъзолар етилди боради.

Олтинчи ой, йигирма иккинчи ҳафтада тўққиз аъзонинг сезиш хусусияти пайқалиб, йигирма учинчи ҳафтада тирноқ пайдо бўлади. Йигирма тўртинчи ҳафтада ички аъзолар етила боради.

Мана шу пайтдан бошлаб бола қимирлай бошлайди. Йигирма еттинчи ҳафта билан ўлттинчинчи ҳафта оралиғида бола аъзоларининг етилиши тугалланади.

Уттиз бир ва ўттиз бешинчи ҳафта оралиғида бола тез ўсади. Тўққизинчи ой, ўттиз еттинчи ҳафтада бола безовталаниб, боши билан пастга, қорин, бачадондан чиқишга ҳаракатланади.

...Хуллас, уруғ бачадонда етилиб, 9 ой ўтгач боланинг туғулиш пайти етилади. Қоринда ётган бола ўғил бикинга суянса, бачадоннинг ўнг томони кўтарилиб, аёл ўзини енгил сезса, тушига эр киши кирса, боланинг ўғил бўлгани.

Агар аёл эри билан яқинлашгиси келса, ўйин-кулгуга иштиёқи зўр бўлса, бу белгилар боланинг қиз эканлигидан далolat. Юқоридаги ҳар иккала белгилар аралашиб кетса, унда боланинг ҳунаса бўлгани.

Агар оғирлик икки томонга тенг тушса, боланинг эгизак бўлгани. Ойкунини яқинлашган аёл чарчаганликни сезсади, бикин, бел, бошқа жойларнинг оғирлигини пайқайди. Аёл безовталаниб, тез-тез эзилгиси келса, унда чақалоқ туғилиши тезлашгани бўлади.

## ГУМОНАЛИ АЁЛ

қони тўхтаган кундан бошлаб бачадоннинг шаҳват қабул қилиш жойи 12 кун очик туради. Шунинг дастлабки уч, сўнгги ўн биринчи кун табиий қонун бўйича, ҳомилалар бўлишининг имкони йўқ. Қон тўхтагандан кейинги тўртинчи кун фарзанд қуришининг биринчи кунини ҳисоблайсиз. Биринчи, учинчи, бешинчи, еттинчи кунлари бачадонга тушган уруғдан ўғил, иккинчи, тўртинчи, олтинчи, саккизинчи кунлари тушган уруғдан қиз пайдо бўлади. Шунингдек, отанинг шаҳвати мўл бўлса ўғил, аёлни ки қўн бўлса, қиз бўлишини эслатиб ўтиш жоиздир.

Ота шаҳватидан — боланинг суяги, боши мия орқаси етилса, онанинг қонидан — гўшти, қони, ички органлари пайдо бўлади.

Тупроқдан — эт, суяк, бурун, меҳр; сувдан — қон, тил, хид, таъмини сезиш, оловдан — иссиқлик, ёруғлик, кўз ва кўриш қобилияти, ҳаводан — нафас йўллари, сезиш, тери, Бўшлиқ-

си тортилиб, кўкраги кўтарилади, аччиқ таомга талаби ортади. Бунинг бариси табиий. Аёл организми талаб қилинган ўша нарсалар қондириб берилсагина соғлом бола туғилади. Кўрсатилган шартлар бажарилмаса, бола она қорнида ўлиб ёки нимжон, ногирон бўлиб туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳомилалар аёл сўраган таом зиёни бўлса ҳам озгинадан бериб, унинг таъсирини йўқотиш учун тескариси бўлган фойдали таомни егизган маъқул.

Ҳомилаларликнинг бешинчи ҳафтасида боланинг киндиги пайдо бўлади. Олтинчи ҳафтасида киндигига суяган ҳолда боланинг жинсий аъзолари етилади. Еттинчи ҳафтада боланинг кўзи, саккизинчи ҳафтада бош қурилиши тузилиб, тўққизинчи ҳафтада тананинг юқори ва пастки қисми пайдо бўла бошлайди. Ҳатто иккинчи ҳафтада ички бешта аъзонинг негизи етилади. Ҳатто иккинчи ҳафтада ичак, қорин, ички



ЭГИЗАК ФАРЗАНД

Суратчи: БКЛИПИНИЦЕР

## ЗИНДОНДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛЛАР



1927 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанднинг филология бўлимини тамомлагач, КГБнинг махсус мактабида таҳсил олган. КГБнинг оддий ходимлигидан то Ички ишлар вазирлигигача бўлган лавозимларда ишлаган. Собиқ СССРнинг зиндонларида бир неча йил суд қилинмай ётган.

Бир неча шеърини тўпламлар муаллифи. Ҳозир уйда.

Ҳайдар ЯҲЕ:

# «Дегил, Яҳё келур б...

## САЛОМИНГДАН

Лабинг оч, шарбатин етказ,  
Лабо-лаб лағли жомингдан.  
Табассуминг жилосин ёқ,  
Ўшал мунис саломингдан.  
Ки жоним топса оромин сенинг  
қошингда эй гулруҳ,  
Меҳр уммони бирлан айлаган  
хуш эҳтиромингдан.  
Билурмисан фақат ёдинг  
менинг хуш онларим эрса,  
Кўнгилнинг завқидир мавжуд  
санам ораста номингдан.

Бу...  
Ҳа...  
Ва...  
Мурувват қилмоғинг билгум  
санам у ўтли комингдан.  
Ҳамиша зор Яҳё энтикур ёрим  
висолинга,  
На бўлгайким хабар топсам бари  
субҳ бирла шомингдан.

## ҒУЗАЛ

Чин гўзаллик юзда бу гулчеҳранинг  
пардозини йўқ.  
У ўзи гулким, кераксиз шивасию  
нозини йўқ.  
Ёрдан меҳру вафо бирлан мурувват  
унга бас,  
Ўзгаларга иштиёқ, парвоси билан  
розини йўқ.  
Зар билан ҳуснин безатмас, чеҳраси  
гар офтоб,  
Нозанинлар ичра гулруҳ, бундаيين  
мумтозини йўқ.  
Лаб очибон этса лутфин ул наво  
мисли майин,  
Тингласангиз ундан мақомким гар  
қўлида созини йўқ.  
Ёр куйига нисор этмоққа жоним  
қодир ул,  
Меҳнату меҳру вафода бу каби  
шаввозини йўқ.  
Бу гўзалнинг мадҳи Яҳё гар ғазал  
сарлавҳаси  
Беҳаёларга санамнинг заррача  
эъзозини йўқ.

## ҲИЖРОН БУКУН

Сен у ёнда, мен бу ёнда  
ўртада ҳижрон букун.  
Туйгулар оворалиқда йўл  
кутиб сарсон букун.  
Энтикиб мен соғунурман,  
қуш қанотим йўқ вале,  
Етгали қошинга ёрим, йўқ  
эса имкон букун.  
Чора изларман заковат бирла  
бардош мулкидан,  
Бор хаёлу, фикру ёдим  
гарчи бепоён букун.  
Сен менга омад тилайбер  
севгимни умри ҳақи,  
Чун муҳаббат ҳам менингдек  
зору саргардон букун.  
Бу жудолик боисидан, лек  
ёниб кул бўлмагил,  
Яхши фурсатларни кутгил —  
ноумид шайтон букун.  
Ҳақни топмоқ гарчи душвор,  
лек Яҳё ҳақ дея,  
Бу машаққат йўл-аро  
излайди бир имкон букун.

\* \* \*

Сабо, ғам гўшасида турганим  
билгилу пинҳон тут,  
Кўринмассан, кел-эй, ёнимга ҳамроҳ  
бўлгилу қон ют.  
Сени кўрмаслар асло ёвларим  
бўл ҳамдамим бир дам,  
Бу ёлғизликда арзим сенга айтсам  
майли маъзур тут.  
Кўриб бу ҳоли-зорим, сўнгра бор,  
дилдор қошига,  
Кўнгил қонидан олган лолани  
ёримга зинҳор тут.  
Олиб бўл лолани ёр кўргуси  
кўнгилдаги доғим,  
Санамнинг хотирин сақла, ки  
бўлма у паришон тут.  
Нигоримга саломим айт, дегил  
муштоқлигим албат,  
Дегил Яҳё келур бир кун  
дегил ки сен нигорон тут.

## ЁЗМИШ

Букунки байтларимни дардли тан  
афғони ёзмишдир.  
Азият кунларимнинг энг аламли  
они ёзмишдир.  
Мунаққид, ўйлама ушбу замоннинг  
ноласидир деб,  
Шу халқу шу Ватаннинг бир азиз  
ўғлонини ёзмишдир.  
Ҳақиқат йўлида кулфат чекиш  
бор эрса қисматда,  
Бунини сабру қаноат гўшасин  
султони ёзмишдир.  
Шукрларким, алам ҳамрозу улфат  
ушбу ҳолатда,  
Нафосат гулшанининг бир ғариб  
боғбонини ёзмишдир.  
Агар ҳар бир қаро тун сўнгида  
субҳи зилол келса,  
Ўша тонг қайтмоғин кутган бу  
кўз гирёнини ёзмишдир.  
Инон бир карра Яҳё тонги қайта  
юз очур албат,  
Умиди тонги байтини кўнгилнинг  
қони ёзмишдир.

# Дегил ки, сен нигорон кут»

Яқинда Сергей Дрогуш учта самолёт сотиб олди. Иккита Ту — 154 М ва битта ИЛ — 76. Тўғрироғи унинг ўзи эмас, у бошлиқ «МАЛС» илмий-ишлаб чиқариш тижорат бирлашмаси сотиб олди. Дрогуш — собиқ СССР фуқароси.

Москвада яшайди. Август воқеалари даврида у Оқ уйнинг химоячиларини ўзининг дўконидан озик-овқат билан таъминлаб турди. Табиийки, текинга. Бунчалик сахийлик қаердан пайдо бўлган! Умуман, Дрогуш ким ўзи!

## МЕН МИЛЛИОНЕРМАН

— Мен Молдованман, лекин дунёнинг бошқа бир чеккасида — Магадан вилоятида туғилганман. Армияда хизмат қилдим, кейин Москвадаги Кон олиғоҳига ўқишга кирдим. Бироқ Плеханов номидаги олиғоҳнинг иқтисод факультетини тугатдим. Отам, онам, хотиним ва қизчам бор.

— Миллионларингиздан ташқари ҳаммаси одатдагидек. Шуниси қизиқки, қандай қилиб шунча бойлик йиндиңгиз!

— Бунинг сирли жойи йўқ. Дўстлар билан биргаликда «МАЛС» тижорат фирмасини ташкил этиб, банкдан қарз сўрадим. Бошқа бир банк пулларни долларга алмаштириб берди. Дастлаб ўйинчоқ автоматлар сотиб олдик. Улардан тушган маблағ ҳисобига банкдан қарзимизни узишни мўлжаллаган эдик. Лекин режамиз иш бермади. Мехмонхона, аэропорт ва купина жойлар «ўзларининг одамлари» — соддароқ қилиб айтганда, мафиянинг назорати остида экан. Автоматларни сотишга тўрғи келди. Бу ишимиз билан ҳам 1 миллион 200 минг сўм фойда олдик. Шундай қилиб, банкдан қарзимизни уздик ва қўшимча яна қарз олдик. Унга энди чет элдан халқ истеъмол молларини ола бошладик. Уларни сотиб қарзни узамиз. Яна қарз оламиз... Хуллас, Москвада ҳозир 6 та дўконимиз бор. Улардаги баҳо тижорат дўконларидагига қараганда 20 фойз арзон.

— Фақат олиб сотарлик билан шуғулланасизлар. Мамлакатда ҳамма нарса танқис. Сизлар ҳам бирон нарса ишлаб чиқарасизларми, деб халқ таъна қилмайдими!

— Биринчидан, дўконларимизда маҳсулот бор. Майли, уларни ўзимиз ишлаб чиқарган бўлмасак-да, кўпчилиكنинг фикрича, баҳоси «қуртган» бўлса-да, одамлар сотиб олмақда. Демак, кимларгадир керак нарсалар ҳам бор. Асосийси, бошланғич бойлик ниманингдир эвазига тўпланиши керак-ку, ахир! Кимдир олиб сотарликдан топган пулларини ишлаб чиқаришга сарфламоқда, кимдир одамларни шилиб жуфтани ростлаб қолмоқда. Биз худди бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби, ўз Ватанимизда ҳам корчалонлик фаолиятини тўғри йўлга қўйиш мумкинлигини исботлаймиз.

25 миллион донга фиш ишлаб чиқарадиган бир нечта завод қурмоқчимиз. Ҳозир бизда қурилиш материалларининг аҳоли чатоқ, тўғрими? Николаев шаҳар аэропортининг акционерлик жамиятига шерик бўлиб кирдик. Париждан парфюмерия фабрикасини сотиб оламиз.

— Қаердан!

— Париждан. 6 миллион сўмга ёки миллион франкка. Унда тайёрланган маҳсулотнинг ярмини Москвада сотамиз. Рублга. Шимолий Кавказда жун йигирадиган ва чарм заводларини қурмоқчимиз.

— «Коммерсант» ҳафталигининг ёзишича, 80 фойз аҳоли қашшоқликда кун кечирмоқда. Сиз эса миллионерсиз. Бу уятли эмасми!

— Нега уялишим керак? Менда

ҳеч қачон ота-онамдан қолган бойлик ёки ҳокимият бўлмаган. Ҳаммасига ўзим эришганман. Уғирлик қилмадим, рақибларимнинг «тагига сув қўйиш» билан шуғулланмадим. Шу пайтгача бизга фақат халал бериб келишди. 70 йил давомида халқимиз ҳеч қандай рўшнолик кўрмади. Ҳеч қандай. Биздаги ақл, жасурлик, уддабуронлик, эзгулик — ҳамма-ҳаммаси заҳарланди. Бироқ, шундай бўлса-да, халқнинг бутун кучини сўриб ололмади. Ҳозир ҳар бир ўзини ақлли ва юрагида «ўти бор» деб билган одамлар бой-бадавлат яшаш йўлига ўти олмоқдалар. Қолганлар эса гарчи нимагадир қодир бўлсалар-да, август воқеалари такрорланиб қолмасмикин, деган хавотирда ўзларини бир чеккага олиб турибдилар. У давр ўтиб кетди. Ишонаманки, энди халқ озод бўладиган вақт келди.

— Уша «қолганлар» узоқ давом этган зулм натижасида ишларни унутиб қўйган бўлсалар-чи! Менга айрим тижоратчилар энг юқори маошга ҳам ишбилармон одамларни топа олмаётганларини айтишганди.

— Бунда қандайдир аччиқ ҳақиқат бор. Масалан, мен ҳанузгача бош ҳисобчи вазифасига одам тополганини йўқ. Ҳамма мутахассислар давлат маҳкамаларидаги «хоним»лар. Улар фақат чой ичиш ва модалар ҳақида суҳбатлашишга одатланиб қолишган. Менга эса ишбилармон, ҳалол одамлар керак. Умуман бировга масъул вазифа беришдан олдин, икки-уч йил синаб кўраман.

— Менинг баъзи танишларим ҳам бу ишда ўзларини «синаб кўрмоқдалар». Илгари улар ҳамма нарсага қизқар эди. Китоб ўқирди, театрга тушарди... Энди янги бирор нарса ўқидингми деб сўрасанг, «Вақт йўқ, зўрга тўрт соат ухлайман», дейди. Ҳақиқатан ҳам, ичишни, қимор ўйнашни ташлашди... Бироқ ҳайронман, сизларга 20 соатлаб ишларининг нима кераги бор!

— Биз шундай йўлни танлаганмиз ва бу пойга ҳеч қачон тўхтамайди. Лекин менинг мақсадим кўп бойлик тўplash эмас. Менда ҳамма нарса бор. Инсонга кўп нарса керак эмас. Аммо одамларга яхшилик қилиш имкониятига эга бўлиш — керакли нарса. Ишқилиб одамлар «мана бу инсон» дейишса, менга шунинг ўзи бас.

— Сиз бойлигингиз тўфайли одамларга қандай яхшилик қилдингиз!

— Яқинда Виктор Цой жамғармасига 400 минг сўм пул ўтказдик. Уруш фахрийларининг «Поиск» гуруҳи вакиллари билан учрашдик. Улар Ватан урушида бедарак кетган аскарларни излашмоқда. Уларга пул керак. Бизнинг мамлакатда эса «ҳеч ким ҳеч қачон унутилмайди» деган сохта фахрланиш ҳукмрон бўлди. Узоқ йиллар давомида уларга ҳеч ким ёрдам бермади. Биз уларнинг моддий таъминотини ўз зиммамизга олдик.

«ТРУД»дан қисқартириб олинди.



ТОШКЕНТДА ҚИШ  
Суратчи: А. АБДУРАҲМОН ҲУЛИ

Бош муҳаррир:

Қулман ОЧИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Жуманазар БЕКНАЗАР  
Дадахон ЕҚЎБОВ  
Муҳаббат ИБОВА  
Абдухашим ИРИСБОЙ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тўлкин ҲАИИТ

(масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ.

Қувондиқ БЕРДИЕРОВ

Меили ЙУЛДОШЕВ

Рўзимат САФОВЕВ

Абсалом УСАНОВ

Баҳодир ЭШОНХОНОВ

Урол УЗБЕК

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,

Тошкент — 29,

Намоёншлар хиёбони,

1 — бино.

Телефон: 39-43-95

Обуна индекси 64554

Буюртма 42

Газетамиз ҳомийлари — Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол» ҳамда Муборак туманидаги Хитой давлат хўжалиги, Намангандаги «Тўқимачи» маданият саройи.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-маъбаачилик концерни Тошкент шаҳри.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12

МУҲАММАД ЮСУФ:

# БОБОМНИНГ

...Сўраб-суриштириб, ниҳоят Муҳаммад Юсуфнинг уйларини топиб бордим. Эшикни қизлари Мадинабону очди. Менга салом бергач, дадамлар хат ўқиятилар, биз ҳалақит беряпмиз, деб болаларга хос ширин қиқирлади. Мен ҳам даданга ҳалақит бергани келяпман, дедим ҳазиллашиб. Шу пайт, Муҳаммад аканинг ўзлари ҳам чиқиб қолдилар.

У кишининг ижодхонаси муҳаррирлардаги хатлар бўлимини эслати менга. Аввалига у ёқ-бу ёқдан гап-

Бу-ку ҳали ҳолва, баъзан ўртоқларим келади, сен фалончи учун совчиликка боргин, келиннинг ота-онаси шеърларингни яхши кўрар экан. Борсанг, йўқ демайди, деб туриб олишади. Ҳе, оғайни кўйсангчи, ҳали ўзим ёшман, боролмайман, десам, эшикни қарсиллатиб ёпиб кетишади. Уйланиб қоламан, қизни ҳам, йигитни ҳам танимасам, билмасам, мени айбим нима? Шоир бўлиб туғилганимми?!

Ҳалиги синглизига келсак, албатта, сингиллар ос-

— Бир муштарий: «Муҳаммад Юсуф, «Дўппи киймай кўйди одамлар», деб шеър ёзади-ю, нимага ўзи доим ялангбош суратга тушади?» деб ёзибди.

— Дўппи кийиб юриш учун, аввало, одамнинг маънавий ҳаққи бўлиши керак. Чунки, дўппи кийган билан муслим бўлиб қолмайди. Гарчи, дўппили суратга тушмасам ҳам, доим уйда кийиб юраман уни. Энди, сал ҳазил қилиб айтсам, «елкамдаги мана бу қурғур жудаям дўппига лойиқ бош эмас-да.

лик.

— Ўзбек қизларининг сизга қайси фазилатлари ёқадиди?

— Гуноҳдан кўрқиллари. Чамаси бундан икки йилча бурун ўқигандим. Москвада уч-тўрт йигит ва қизлар бекатда кучоқлашиб ўтиришган экан. Бир қари чол ёнларидан ўтиб қолибди. Қизлардан бири йигитига қараб: «Бир уриб ана шу қариани йиқита оласанми?» дебди. Йигит, йиқитаман, деб чолни бир урган экан, боши тошга тегиб ўша заҳотиёқ

юрдим. Кейин отам берган бир сўм пулга қувониб дўконга чопиб кетдим. Ҳолва олгани!..

— Улимдан ёмонроқ ва яшадан яхшироқ нима, сиз учун?

— Улимдан ёмонроқ, бу — номус. Яшадан яхшироқ эса, ҳаёл суриш. Ҳамиша ҳаёлимда яхши яшайман, ҳаётимдан кўра.

— Сиз ёқтирган мақол?

— «Кўрпанга қараб оёқ узат».

— Узингиздан нафратланганмисиз?

— Ўзимни ўзим жудаям яхши кўрмайман. Кўп хатоларим шундай кўзимнинг олдига турибди. Айтилик, бироз димоғ бор. Ҳамиша ҳам ҳақиқатни айтишга ошиқвермайман, индамай кўявераман. Елғизлиқни ёқтираман. Шу сабабли ҳам қанча дўстларимдан айрилганман.

— Ҳақиқатни айтишдан кўрқасизми?

— Айтган билан фойдаси йўқ, деб ўйлайман. Негиз дерсиз. Чунки, мен одамларга ишонмайман.

— Ҳаммагани?

— Йўқ. Мен фақат ҳақиқатни гапираман, дейдиган одамларга. Чунки, бор ҳақиқатни она боласига айтиши мумкин. Баъзан Она ҳам боласига, кўнгли оғримасини, деб ҳақиқатни айтмаслиги мумкин.

— Нималарни ёмон кўрасизу нималарни яхши кўрасиз?

— Кўп гапирган одамни, шеър ўқишни, эрини ёмонлаган аёлни ёмон кўраман. Шунингдек, қитмир шоирларни ҳам.

Болаларни яхши кўраман. Яна далани, ўтлоқни, самалётни, кўзичоқнинг кўзини яхши кўраман. Қолаверса, мен шоирман, деб кўкрайига урмаган шоирни ва ҳомиладор аёлларни яхши кўраман. Уларга қарагим келади. Тикилиб туриб, балки шу аёл бирон бир даҳони кўтариб юргандир, деб ўйлайман...

— Телевизор, радиода берилётган ва баъзи бир хонандаларнинг элга танилишига сабаб бўлган кўшиқларнинг кўпи сизнинг шеърингиз. Шунгами, одамлар Муҳаммад Юсуф бой бўлса керак, деб ўйлашар экан. Сиз ҳақиқатдан ҳам боймисиз?

— Сиз қайси мамлакатда яшайсиз? Саволингиздан американига ўхшайсиз-а. Агар шоир бойи бўлган Эркин ака, Абдулла акалар бой бўлишарди. Қолаверса, радио, телевизор ва овоз ёзиш студияларида кўшиқ қилиб айтилган шеър учун фақат Амиқо ва бошқа «капиталистик» мамлакатлардаги «ахмоқлар»гина пул тўлайди. Билмадим, жамиятда шундай қонун борми, бизнинг мамлакатда қанча кўп ёзсанг, шунча камбағал бўлиб кетаверсан...

— Узингизни зўр шоир деб биласизми?

— Йўқ. Агар бирон киши, сен ёмон шоирсан, деса ҳам хафа бўлмайман. Чунки, мен учун энг асосийси шеър эмас. Қолаверса, тарихда қолишни ҳам орзу қилмайман. Кўпроқ қишлоқда, ёлғиз моёмнинг ёнларида юргим келарди.

— Охирги савол. Нима учун кўпроқ айрилиқни куйлайсиз?

— Куйган жойдан куй чиқади-да, ука...

МУХЛИСЛАР ДАВРАСИДА  
Суратчи: Даврон АҲМАД



лашиб ўтирдик. Хонани аёвсиз буруқситиб сигарет чекдик, чой ичдик.

— Бу хатларнинг ҳаммаси сизга келганми?

— Бахтга қарши шундай.

— Хатлар кўпроқ қизлардан келадими, ё йигитлардан?

— Асосан қизлардан.

— Агар сир бўлмаса, улар сиздан кўпроқ нималарни сўрашади?

— Қизлар кўпроқ: «Ёрдам беринг, Муҳаммад ака. Отанам мени севгимдан жудо қилиб, умримда кўрмаган бир йигитга эрга беришяпти, қутқаринг... Эҳ, муҳаббат йўқ экан!..» деб, илтимос қилишади.

мондан тушмайди, уларга ёрдам бериш керак. Лекин, мен қандай ёрдам беришим мумкин, билмайман. Муҳаббат деб аталмиш бу бепойн мамлакатда биров-бировага ёрдам беролмайди.

Ҳамма келин тўй кунини йиғлайди, бироқ ҳеч ким унинг йиғисига парво қилмайди. Дийдаси тош янгалар бир-бирларига имлашиб, хиринглайди. Наҳотки, ҳамма келинлар хурсандлигидан йиғласа?..

— Кечирасиз, гапингизни бўлдим. Сиз ўзингиз севиб уйланганмисиз?

— Бу сир. Миртемир домла айтмоқчи, битта ўзим биланам.

— Намоз ўқийсизми?

— Балки, айтсам ишонмасизу лекин, беш ёшимдан намоз ўқишни бошлаганман. Бобом раҳматли намоз ўқиётганларида доим ёнларига чақириб олардилар. Улар овозларини чиқариб ўқир эдилар, мен орқаларидан такрорлардим. Бора-бора ёдлаб ҳам олдим.

Бобом бақога рихлат қилганларидан кейин, намоз ўқиганим йўқ. Лекин, эртани-кечми бобомларнинг жойнамозларига қайтаман, худо хоҳласа.

— Оилада энг муқаддас нарса нима?

— Фарзанд. Меҳр. Пок-

жон берибди.

Ўзбек қизларимизнинг ҳаммаси ҳам гуноҳдан кўрқади, дея олмайман. Шундай қизларимиз борки, гуноҳ улардан кўрқади. Лекин, барибир ҳеч қайси ўзбек қиз, қари чолни ур, деб йигитига буюрмаса керак...

— Умрингизда ҳеч пушаймон бўлганмисиз?

— Саодат исмли синглим бўларди. У қизамиқ балоси туфайли тўрт ёшида вафот этган. Уни бир парча матоҳга ўраб, мозорга олиб кетишаётганларида мен ёш болача, ҳеч нарсага тушунмай бироз одамлар ордидан эргашиб

# ЖОЙНОМОЗИГА ҚАЙТАМАН